



Кассоблар томонидан сўйилган мол калласининг сотилиши ва унинг бахоси ҳар вақт турлича бўлиши ҳаммага маълум. Аммо инсон бошининг нархи канча бўлади, деган банда борки, бир сесканиб тушади. Вахоланки, ўтмишда, хонликлар даврида ин-сон калласига маълум бир нарх қўйилиши одатий ҳол бўлган.

Ўша даврларда Ўрта Осиёдаги уччала хонлик ўртасида бўлиб турган ички низолар, қўшни давлатларнинг босқинчилик юришлари боис хонликларда мунтазам ҳарбий қўшин мавжуд эди. Гарчи уларда санокли тўп, милтиклар бўлса-да, доимий равишда килич ва ёйлар билан машқлар олиб борилган. Хива хонлигидаги қўшин сафида хизмат килаётган навкарларга давлат томонидан йигирма таноб ер берилган бўлиб, бундан келадиган даромад навкарники эди. У ўзи хизмат билан банд бўлганлиги учун ерини чорикорга бериб ишлатарди.

Навкарлар соликлардан ва казув каби турли мажбуриятлардан озод қилиб қўйилгани учун, колаверса, босқинчилар Ватанини эгалласа, ўзига бериладиган ердан ҳам бенасиб қилишини ўйлаб, урушларда фаол қатнашарди.

Бундан ташқари ҳукмдорлар урушда навкарларни рағбатлантиришнинг бошқа бир усули — қалла пулини ҳам ўйлаб топишган эди. Унга кўра, хонлик навқари ўзи ўлдирган ҳар бир душман учун мукофотланарди. Бунинг учун навкар душманнынг қалласи, қулогини кесиб қилиши керак эди.

Агар Хива хонлари архивининг 1866 йил ражаб ойидаги маълумотларига таянадиган бўлсак, шанба куни «Илонлидан Аннамурод деган бир қалла олиб келганида ўн тилло берилди», дейилган. Ёҳуд 1867 йил шаъбон ойининг чоршанбасида ёвмудлардан» яна икки қалла кесганга икки латта сарупой берилди, олти тилло, қалла пулига йигирма тилло берилди», деган маълумот бор.

Табиийки, урушда ёҳуд душман тарафга қўққисдан ҳужум қилиб, қалласини кесиш ва унга мукофот пули олиш, унга тўланган юқоридагича миқдор 10 ва 20 тилло ўз даври учун катта пул эди. Бу пулга навкар бир ой бемалол каттагина оиласини озик-овқат билан таъминлаши, ҳўкиз ёки сигир сотиб олиши мумкин бўлган.

Бирок ҳаётини хатарга қўйиб, ўлим билан юзма-юз туриб, урушда қатнашгудек бўлса, навкар ўз қалласидан ҳам ажралиб қилиши мумкин эди. Шундай бўлган тақдирда, ўлдирилган навкарнинг бева хотинига Хива хонлари бир йўла нафақа, баъзан бу бевага пул ўрнига бир қул инъом қилишарди. Шунингдек, отлари ярадор бўлган навкарларга

хам пул билан ёрдам берардилар. Шу каби навкарларга урушда кўрсатган жасорати учун чопонлар кийгазиш ҳам кенг тус олган бўлиб, айрим холларда пичок тақдим этилган. Хонлар сулоласининг вакиллари, машхур амалдорлар эса фахрий мукофот тарзида олтин ва кимматбаҳо тошлар кадалган камар олар эдилар. Ушбу навкарларнинг Хива хонлигида бошқа давлатларнинг харбий кўшинлариники сингари махсус харбий кийимлари, давлат мукофоти нишонлари ва медаллари йўқ эди. Факат инъом тарзида берилган калла пули, чопон кийгазиш, олтин ёхуд кимматбаҳо тош кадалган камар бериш давлат мукофоти тусини олганди.

Урушлар давомида ярадор бўлган жангчилардаволаниш учун ўзлари табибга мурожаат килар, даволаниш учун кетадиган пул хонлик хазинасидан сарфланарди. Яъни, навкар Ватан химояси учун бўлган урушларда ярадор бўлди, деган караш бор эди.

Агарда хонлик ичкарасида ўз фукаролари томонидан исён, кўзголон, фитна юз берган тақдирда навкарлар хон томонидан бекаму кўст ҳамма эҳтиёжлар билан таъминланар, хатто, ўша норозилик харакатини неча кунда бостиришганига караб пул тўлашарди.

Кўшни давлатлар—Эрон ёки Бухорога хужум килинган тақдирда хон навкарларига маош тўламаган. Урушда ўлжа киритган навкар кўлга киритган нарсасининг бешдан бирини хон хазратларига инъом килиши шарт эди.

XIX аср ўрталаридаги маълумотга кўра, Хазорасп, Бешарик ва Питнак мавзеларида 2396 навкар, колган худудларда эса 6445 навкар бўлиб, уруш харакатлари бўлиб колган тақдирда кўшин юзбоши, мингбоши, ясовулбоши ва амирулумаро бошчилигида бирлашиб, ягона буйрукка бўйсунувчи армия холатига келарди. Тинч даврларда хонлик чегарасини кўриклайдиган навкарлар кўшини эса яримчилар оркали ердан келадиган даромад эвазига кун кўрар, чегара хизматининг бошлиги — коровулбеги эса хазинадан 50 тилла маош оларди.

Хуллас, хонлик кўшини гарчи оз сонли тўп ва милтиклардан иборат бўлса-да, килич ва ёйлар билан мудом жангга шай турарди.

Умид Бекмухаммад